



140300, Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Гулобод қо'рг'они Тел/факс 612-55-31 612-55-90

015 у.р. "11" Май

№ 601-К Самарқанд т-р Самарқанд

Самарқанд туман «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини «Зарафшон» массиви «Мотрид агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан «AVAZ TRANS» масъулияти чекланган жамиятига тикувчилик ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2015 йил майдаги баённомаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2015 йил 05 мартдаги 254-сонли хулосаси, «AVAZ TRANS» масъулияти чекланган жамиятини туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2015 йил майдаги баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини «Зарафшон» массивида 2015 йилда қурилаётган намунавий уй жойлар бош режаси ҳудудидан «Мотрид агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 184 контуридан «AVAZ TRANS» масъулияти чекланган жамиятига тикувчилик ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун жами 0,23 га (шундан: 0,16 га нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш ва 0,07 га тикувчилик цехи қуриш учун туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Тикувчилик ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси «AVAZ TRANS» масъулияти чекланган жамияти директори О. Пулатов зиммасига юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадилов